



ТАДБИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА ХИЗМАТ ҚИЛАМАН!

Мудофаа вазирлиги олий ҳарбий таълим муассасаларида навбатдаги битирув муносабати билан тантанали тадбирлар ўтказилди. Пойтахтимизнинг «Ватанга қасамёд» мажмуида Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги ҳарбий тиббиёт факультети битирувчиларига тантанали равишда диплом ва кўкрак нишони, тиббиёт хизмати лейтенанти унвони топширилди.

► Давоми 3-бетда.



КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

■ Мамлакатимизда вакиллик ҳокимияти ваколатларини янада кенгайтириш, давлат бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотлар ролини ошириш, ижро ҳокимияти устидан уларнинг назоратини кучайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда.

ҲОКИМЛАР ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИ ОЛДИДА ҲИСОБ БЕРАДИ

Буни миллий қонунчилигимизга киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар мисолида ҳам кўраяпмиз. Яқинда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» қонун қабул қилинди. Унга кўра, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунга янги модда киритилди.

Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Шавкат Назаров билан шу хусусида суҳбатлашдик.

► Давоми 2-бетда.

ЎзХДПда ЎҚУВ-СЕМИНАР

Хотин-қизлар ва ёшлар фаоллигига бағишланди



■ ЎзХДП Марказий Кенгаши томонидан ташкил қилинган «ЎзХДП дастурида хотин-қизлар ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари» мавзусидаги семинарда Марказий Кенгаш масъул ходимлари, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, «Фаол аёллар», «Истиқбол» ёшлар қаноти вакиллари иштирок этди.

Семинарда хотин-қизларни сиёсий жараёнларга кенгрок жалб этиш юзасидан аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш масаласида сўз борди. ЎзХДП «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари фаолиятини янада кучайтириш партия олдида турган муҳим вазифалардан бири экани таъкидланди.

— Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, жамиятда муносиб ўрин эгаллашига кўмаклашиш борасида аниқ вазифалар белгиланган, — дейди **ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Шарбат Абдуллаева**. — Айни пайтда мазкур масалалар ижроси юзасидан партия ташкилотлари, «Фаол аёллар» қаноти бир қатор ишларни олиб бормоқда.

ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА

Маҳаллада футбол майдончаси

Денов туманидаги Қизилжар қишлоқ фуқаролар йиғини марказдан 8 километр олисда жойлашган. Бу ерда бешта маҳалла бўлиб, 15 минг нафардан ортиқ аҳоли истиқомат қилади.

— Бундан 20-25 йил аввал қишлоқларда пахса девор бўларди, лой ёштдан уй қуриларди, — дейди **халқ депутатлари Денов туман кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Абдурахмон Мардонов**. — Бугун эса кўрақ уй-жойлар бунёд этилиб, мухташам иншоотлар қад ростламоқда. Ўтган йили намунавий лойиҳалар асосидаги 130 уй ўз эгаларига топширилган бўлса, жорий йилнинг ўтган даврида 30 дан ортиқ маданий-маиший шохобча иш бошлади. Бундай қулайликлар халқнинг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Яқинда мазкур қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Пастқизилжар» маҳалласида сунъий чим билан қопланган футбол майдончаси фойдаланишга топширилди.

— Футбол ўйнашни жуда яхши кўраман, — дейди **«Буюк ипак йўли» маҳалласида яшовчи 13 ёшли Адҳам Раҳимов**. — Бунақа майдонларни ҳавас қилардик. Мана, энди орзумиз ушaldi. Келажакда футболчи бўлмоқчиман.

Ўз мухбиримиз.

МУСТАҚИЛЛИК ФАРЗАНДЛАРИ

Беҳзод Абдураимов

Уни узоқ ва муваффақиятли давом этадиган келажак кутиб турибди

Бу — «The New York Times» нашри ходими Закари Вулфнинг фикри

Американинг «The New York Times» нашрида ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимов ҳақида мақола чоп этилди. Уни бироз қисқартирган ҳолда эътиборингизга ҳавола этаймиз.

«Шопен Балладаси № 4 моҳиятан сокин ҳиссиётлар йўлаги, қайсидир маънода туйғулар хотирасидир. Ёш ўзбек пианиночиси Беҳзод Абдураимов Нью-Йоркнинг «Вайл» залида бўлиб ўтган дебют концертида ана шундай лаҳзаларни бошидан ўтказганига шубҳа йўқ. У бутун гавдасини клавишга шу даражада яқинлаштириб қуй чалдики, унинг ҳаракатлари нафақат таралаётган мусиқани ифодалади, балки уни эҳтиётлаётгандек таассурот уйғотди.

Бу юқори савияда ўтган концертнинг энг юксак чўққиси бўлди. «Стерн»да концерт бериш бирмунча осон. «Зенкел» ҳам ўзига хос архитектурага эга бўлган концерт заллари сирасига қиради. «Вайл»да концерт бериш эса бир сўз билан айтганда осон эмас. Дунёнинг жуда кам пианиночилари бу ерда муваффақиятли концерт бера олган. Агар «Стерн» стадион бўлса, «Вайл» операция хонасидир.

Жаноб Абдураимов бундан олдин «Стерн»да оркестр жўрлигида концерт берганди. У ердаги экспозициядан завқланганига шубҳа йўқ, албатта. У жаҳон мусиқаси-



нинг энг ноёб дурдоналарини шу даражада юқори маҳорат билан ижро этдики, тан бермай иложи йўқ. Албатта, буюк мусиқачилар яратган қуйларни камчиликларсиз қайта ижро этиш учун буюк истеъдод керак бўлади.

Ундаги хотиржамлик, ўзига бўлган ишончни сезиш кийинмас. Ҳар қандай сувартадаги куйга сонияда мослашиб олиш ҳам катта маҳорат саналади. Унинг тезкор ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш зарур. У нафақат тез, балки бетакрор қуй чалади.

Сен клавиш қаршисида ўтирар экансан, ўз ҳиссиётларингизни маълум маънода бошқара олишинг жуда муҳим. Ўзбекистонлик пианиночи ана шу жиҳатлари билан ҳам бошқалардан фарқ қилади. У балладаларни ижро этар экан, ҳаммасини ўз ўрнида, керакли вақтда бажара олди.

Ёш иқтидор соҳибининг ҳаракатларини кузата туриб, унинг келажакни башорат қилиш жуда осон дейдиганлар адашади. Бу жуда мураккаб ҳолат. Кимдир мактасанг, бироқ у ишончни оқлолмас, бундан ёмони йўқ. Лекин жаноб Беҳзод Абдураимовнинг ҳаракатларини кузатар эканмиз, уни узоқ ва муваффақиятли давом этадиган келажак кутиб турганига амин бўламиз. Беҳзоднинг очилмаган қирралари ҳали кўп. Ўзбекистонлик пианиночининг янада юксак чўққиларни забт этишига ишонаман».

Темур АЪЗАМ тайёрлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ОДАМЛАР ПАРТИЯДАН АМАЛИЙ ИШЛАРНИ КУТАДИ

Сиёсий партияларнинг фаоллиги — бу жамият фаоллигини белгилаб берувчи муҳим омилдир. Сиёсий партиянинг фаоллиги эса амалий ишларда намоён бўлади.



■ Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи ҳудуддаги бюджет ижроси масалаларини ўрганди

■ БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТЛАРДА ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРДА
ҲАЁТИЙ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМАСИГА КЕНГ ЎРИН БЕРИШ, ИЖТИМОИЙ
ДОЛЗАРБ МАВЗУЛАРДА УЧРАШУВ ВА ДАВРА СУҲБАТЛАРИНИ КЎПРОҚ
ТАШКИЛ ЭТИШ, УЛАРДА КЎТАРИЛАЁТГАН МАСАЛАЛАРНИ ПАРТИЯ
ГУРУҲЛАРИ ОРҚАЛИ ВАКИЛЛИК ҲОКИМИЯТИ МУҲОКАМАСИГА ОЛИБ
ЧИҚИШИМИЗ ЗАРУР.

— Хоразмдан етиб келдим, — дейди 81 ёшли Йўлдош Алламбоев. — Чунки ўзим ҳам захирадаги капитанман. Неварамнинг отаси — ўғлим Рустам тиббиёт фанлари доктори. Бизнинг сулоламиз анъаналарини неварам давом эттираётганидан хурсандман.

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!



... Битирувчилар тантанали маросимга сафландилар. Оркестр садолари остида жанговар байроқ олиб ўтилади. Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги Харбий тиббиёт факультети бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Жаҳонгир Саби-ров Мудофаа вазирлиги фронт орти Бош бош-кармаси Тиббиёт бош-кармаси бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Эрали Хожимуродовга битирувчи курсантлар тантанали маросимга тайёр эканлиги ҳақида рапорт беради. Эрали Хожимуродов уларни ҳаётга йўлланма билан табриклайди:

— Қадрили офицерлар! Сизларни олий харбий таълим муассасасини битириш ва мамлакат Куролли Кучлари сафига йўлланма бериш тантаналарига бағишланган маросим билан муборакбод этаман!

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Шу лаҳзаларда юраклари ҳаяжондан «гуп-гуп» ураётган алшқомат йигитларнинг чехрасига боқиб, фахр ва ифтихор туйғуларини сезаман

Юракларни гурурга тўлдириб Ўзбекистон мадҳияси янграйди... Шу лаҳзаларда харбий машқларда чиниққан, матонатли, юраклари ҳаяжондан «гуп-гуп» ураётган алшқомат йигитларнинг чехрасига боқиб, фахр ва ифтихор туйғуларини сезаман. Бир томонда ушбу тантанали маросимга турли вилоятлардан етиб келган ота-оналар нигоҳларида бахтиёрлик, шодлик ва қувонч порлайди.

Битирувчиларга тантанали равишда диплом ва кўкрак нишони, тиббий хизмат лейтенанти унвони топириш маросими бошланади.

— Сизни тиббий хизмат мутахассислиги дипломи ва лейтенантлик унвони билан табриклайман!

— Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!

Шундан кейин тиббий хизмат полковниги Жаҳон-

гир Сабилов Мудофаа вазирлигини битирувчиларни харбий қисмларга тақсимлаш ҳақидаги буйруғини ўқиб эшиттирди. Соғлиқни сақлаш вазирлигини ўринбосари Саидмурат Саидалиев, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги фахрийлар марказий кенгаши раиси ўринбосари, захирадаги подполковник Рустам Боймирзаев, ота-оналар номидан Олим Қаландаровлар битирувчиларни табриклаб, Ватанга садоқат билан хизмат қилишда уларга муваффақият тилади.

— Тошкент тиббиёт академияси ҳузурида ташкил этилган Харбий-тиббий факультети бу йил иккинчи маротаба Куролли Кучлар сафларига миллий кадрларни етиштириб берапти, — дейди **факультет бошлиғи, тиббий хизмат полковниги Жаҳонгир Сабилов**. — Мақсадимиз — юқори интеллектуал салоҳи-

лаштириш мақсадида жорий йилдан факультетимизда узлуксиз таълимни йўлга қўйишни режалаштираёпмиз.

— Мутахассисларимиз харбий тиббиёт соҳасидаги энг илғор ютуқ ва технологияларни ўзлаштириш мақсадида 20 дан зиёд халқаро илмий-амалий конференцияларда иштирок этиб қайтди, — дейди **тиббий хизмат подполковниги Зиёдулла Ориев**. — Таълим жараёнида чет эллик мутахассислар факультетимиз курсантлари билан инглиз тилида назарий ва амалий машғулотлар ўтказишди.

Бўлажак тиббий хизмат офицерларига таълим бериш жараёнида уларнинг хар томонлама — ҳам жисмонан, ҳам маънавий-ахлоқий етуқ сифатларга эга бўлишига доимий эътибор қаратилди. Уларни мамлакат Куролли Кучларидан фахрлиниш, Ўзбекистон мустақиллиги ҳоғларига садоқат руҳида тарбиялаш биз харбий-тиббий мутахассисларнинг бурчи ҳисобланади.

— Мен неварам Фуломжон Алламбоевнинг битирув маросимида Хоразмдан етиб келдим, — дейди **81 ёшли Йўлдош Алламбоев**. — Чунки ўзим ҳам захирадаги капитанман. Унинг отаси — ўғлим Рустам тиббиёт фанлари доктори. Бизнинг сулоламиз анъаналарини неварам давом эттираётганидан хурсандман.

— Болажонимнинг қаддиқоматини, икки елкасида ярқираб турган юлдузларни кўриб ҳаяжондан ўзимга сиғмай кетдим, — дейди **Аҳад Қаландаровнинг онаси, Бухородан келган Бибиора Чўлбиева**. — Оиламизда турмуш ўртоғим

Олим Қаландаров шифокор, мен шифокорман, фарзандимизнинг харбий шифокор бўлиши нур устига нур бўлди.

— Бу ҳаяжонли дақиқалар бир умр ёдимизда сақланиб қолади, — дейди **тиббий хизмат лейтенанти Бобонон Элмуродов**. — Бизга Куролли Кучлар сафига, Ватанга, халқимизга хизмат қилишдаи масъулиятли вазифа топирилди, ишонч билдирилди. Ана шу ишонччи оқлашга, Харбий-тиббиёт факультетида олган билим ва тажрибаларимизни амалда қўллашга ва хар томонлама тақомиллаштиришга ҳаракат қиламиз.

...Оркестр садолари янграйди. Битирувчилар қаддиқоматларини ғоз тутиб, шаҳдам қадамлар билан майдондан ўта бошлашди...

Ха, бу харбий-тиббий мутахассислари томонидан ҳаётга, муқаддас ва мустақил Ватани қўриқлашга, уни кўз қорачиғидай асрашга, «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан!», деган аҳд-паймонни бажариш йўлида қўйилган дастлабки қадамлар...

Қадамларингиз қўтлуг бўлсин, Ватан ўғлонлари!

Худди шундай тантанали битирув тадбирлари Тошкент олий умумқўшун қўмондонлиқ, Чирчиқ олий танк қўмондонлиқ-муҳандислик, Самарқанд олий харбий автотомобиль қўмондонлиқ-муҳандислик, Жиззах олий харбий авиация билим юрталари ҳамда Тошкент ахборот технологиялари университетининг махсус факультетларида ҳам бўлиб ўтди.

Нуруллоҳ ДОСТОН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

■ Мамлакатимиз ички ишлар идоралари тизимига малакали, етуқ кадрлар етказиб беришда ИИБ Академиясининг алоҳида ўрни бор.

Битирув тантаналари



Қуни кеча мазкур академиянинг навбатдаги битирувчилари эл-юрт тинчлиги ва оёсийишталлигини таъминлашдек масъулиятли ва шарафли вазифани бажариш учун йўл олди.

Академия бошлиғи, генерал-майор Шавкат Икрамов тадбирни очар экан, битирувчилар ушбу даргоҳда олган билим ҳамда кўникмаларини юртимиз тинчлиги ва оёсийишталлигини сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, жамиятда барқарорлиқни таъминлаш йўлида сафарбар этилишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг якуний давлат имтиҳонларини муваффақиятли топириб, диплом ишларини ҳимоя қилган Олий академик курслар ва 4-ўқув курси битирувчиларига тантанали равишда диплом топирилди.

Тадбирда сўзга чиққан Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Аҳмад Аҳмедбаев мутахассислик дипломларини ва офицерлик унвонини олган ёш кадрларни табриклади, уларга фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, юртимиз тинчлиги ва оёсийишталлигини таъминлаш йўлидаги масъулиятли вазифаларни бажаришда муваффақият тилади.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

Мақсад — экспорт ҳажмини ошириш

■ Мамлакатимизда корхона ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришини кўпайтириш ва экспортини таъминлаш бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик субъектлари экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Андижон вилоят филиали томонидан олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга молик.

Жорий йилнинг ўтган даврида филиал томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга экспорт ҳажмини ошириш бўйича зарур ҳуқуқий ва молиявий ёрдам кўрсатилди. Бунинг самараси ўлароқ 100 дан ортиқ кичик бизнес ва хўсусий

тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотларини экспорт қилиш юзасидан батафсил маълумот ва тегишли ёрдам олишди. Шунингдек, жойларда ўтказилаётган учрашувлар чоғида хўсусий тадбиркорлик субъектларига хорижда ўтказиладиган

кўргазмаларда қатнашиш учун ахборотлар берилди.

Натижада 23-26 июнь кунлари Хитойнинг Урумчи шаҳрида бўлиб ўтадиган «Буюк ипак йўли — 2015» халқаро қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари ярмаркасида Андижон вилоятидан 6 агрофирма, фермер ҳўжалиги ва хўсусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этиши режалаштирилган. Бу эса уларга энг замонавий технологиялар билан танишиш билан биргаликда хорижий ишбилармонлар билан учрашиш имкониятини яратади. Мазкур кўргазмада андижонлик ишлаб чиқарувчи-



ларнинг қўшимча экспорт шартномаларини имзолаш ҳам кўзда тутилмоқда. Бу эса мамлакатимиз экспортни ҳажмини янада

Алишер РЎЗИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЭЪЛОН

«Qo'ylig dehqon bozori» АЖнинг 2015 йил 4 июнь ҳолатига аффилиланган шахслари ҳақида маълумот:

№	Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Жойлашган манзили	Аффилиланганлик келиб чиқиши асослари	Аффилиланганлик келиб чиққан сана	Оддий акциялар сони
1.	Тошкент ш. ҳокимияти СХКСХИМИЧ департаменти	Тошкент ш. Миробод т. Амир Темур, 3.	Ушбу жамият акцияларининг 20 фоизидан ортиғига эгалик қилади	09.02.1999й.	919131
2.	Ерматов Абдухалил	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
3.	Ҳақимов Рауф Арипович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
4.	Саримсаков Алишер Тўхтамишевич	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
5.	Қамолдов Толмас Қаримович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
6.	Саидрахматов Оқил Абқарович	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
7.	Ибраҳимов Тўлқин	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	Йўқ
8.	Мухитдинов Фахриддин	Тошкент ш.	Кузатув кенгаши аъзоси	04.06.2015й.	10
9.	Набиев Дилшод Абдуваҳитович	Тошкент ш.	Директор вазифасини бажарувчи шахс	04.06.2015й.	Йўқ
10.	«Элга хизмат Қўйлиқ» масъулияти чекланган жамияти	Ташкент шаҳар, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони	Юридик шахс, шўба ҳўжалик жамияти	02.07.2014й.	Йўқ



Дунё

Чиқинди энергия манбаи

Аслида чиқиндидан энергия олиш бугун янги гап эмас. Бу борада илғор технологиялар амалга жорий этилгани ҳам маълум. Бирок кўпчилик давлатларда бундай технологияларга ўтиш орзулигича қолмоқда. Шу боис ҳам аксарият мамлакатларда маиший чиқиндилар кўпайгандан кўпайиб бормоқда.



Қизиги шундаки, айрим давлатлар маиший чиқиндилардан қандай қутулиш чораларини излаётган бир пайтда Швецияда маиший чиқиндилар етишмовчилиги юзага келганига ҳам анча йиллар бўлиб қолди. Шу сабабдан мамлакат маъмурияти маиший чиқиндиларни қўшни давлат — Норвегиядан импорт қилмоқда. Йилига 80 минг тонна чиқинди денгиз орқали Швецияга етказилади.

«Мир новостей» газетасида хабар беришича, Швециядаги 250 мингдан ортиқ уй айнан маиший чиқиндилардан олинган электр энергияси ҳисобига энергия билан таъминланади.

Армон ушалди фақат қариган чоғида

Айни пайтда юз ёшдан ошганлар ўтган асрнинг бошларида никоҳланб, турмуш қурган бўладилар. Бирок ўша пайтда бугунгидек сурат ва видеотасвирга олишлар бўлмаганлиги айримларга армон бўлиб қолган экан.



Хитойлик қариялар У Цунхан ва У Сунши турмуш қурганларига 88 йил тўлганда айнан ўша армонни ушалтиришга мушарраф бўлдилар. Яъни рамзий равишда ўтказилган тўй маросимида қариялар келинлик либоси ва қўвлик саруполарида сурат ҳамда видеотасвирларга туширилди.

«The Sun» газетасида ёритилишича, бу икки жуфтликнинг биринчи никоҳ тўйи 1924 йилда ўтказилган. 101 ёшли У Цунхан ва 103 ёшли У Суншининг хотирлашича, ўша пайтда Хитойда сураткашлар у ёқда турсин, хатто фотокамералар ҳам йўқ эди. Шу боис улар никоҳ қуни суратга туша олмаганлар.

Энг узоқ қўша қариётганлар

«Daily Mail» нашри хабар беришича асли келиб чиқиши Ҳиндистоннинг Панжобидан бўлган, лекин Англиянинг Бредфорд шаҳарчасида умргузаронлик қилган 107 ёшли Қарам Чанди ва 100 ёшли Қатар Чанди турмуш қурганларига 87 йил тўлганда энг узоқ никоҳда бўлганлар рўйхатида кириш учун «Гиннеснинг рекордлар китоби»га ариза билан мурожаат этганлар. Улар аввалги рекордчилардан 5 йилга ўзиб кетган.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Жиззах вилоят кенгаши партиянинг Гафлаорол туман кенгаши раиси Норбек Анорбоевга онаси **Наво СУЮНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирди.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси банк ходими Жасур Тўшпўлатовга қизи **Захро ХОЛМИРЗАЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 23 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1985,33
■ 1 Англия фунт стерлинги	4056,11
■ 1 Дания кронаси	389,50
■ 1 БАА дирҳами	694,58
■ 1 АҚШ доллари	2550,85
■ 1 Миср фунти	334,32
■ 1 Исландия кронаси	19,58

■ 1 Канада доллари	2083,69
■ 1 Хитой юани	410,86
■ 1 Россия рубли	47,41
■ 1 Украина гривнаси	117,90
■ 1 Малайзия ринггити	685,16
■ 1 Польша злотийси	695,64
■ 1 СДР	3602,06

■ 1 Туркия лираси	947,11
■ 1 Швейцария франки	2782,95
■ 1 ЕВРО	2883,89
■ 10 Жанубий Корея вони	23,21
■ 10 Япония иенаси	207,94

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

БОЛАЛАР ЁЗГИ ОРОМГОҲЛАРИДА

Оромижон оромгоҳ

■ Эртақлардаги воқеалар ҳаммага маълум: яхши одам ёмонларга қарши курашади, Қизилқалпоқча ўрмонда хатарли жонзотларга дуч келади, сув ичгани чиққан қўзиқоқ бўрига рўбарў бўлади. Асрлар оша авлоддан авлодга ўтиб келаётган бу эртақлар қаҳрамонлари дуч келган синовларни болалар ҳаяжон билан кузатишади, уларга ёрдам бергилари келади.

Сўлим оромгоҳ бағридаги кенг саҳна. Бу ерда ҳар кун болаларнинг сеvimли эртақлари кўйилади. Ундаги воқеалар фақат ва фақат яхшилик билан тугайди. Мана, ҳозиргина Қизилқалпоқча хавф-хатарлардан эсон-омон ўтиб, уйига етди...

Бундай саҳна кўринишларини Тошкент вилояти Бўстонлик туманининг эстагиди жойлашган «Сўғдиёна-Сойлик» болалар соғломлаштириш оромгоҳида ҳар кун томоша қилишингиз мумкин. Бу ерга ташриф буюрсангиз, ўзгача манзарага гувоҳ бўласиз.

Тангадек офтоб тушмайдиған соясалқин майдондан атрофга боқамиз. Қаршимизда оҳиста чайқалаётган улкан тераклар. Атроф азим тоғлар билан ўралган.

Сўлим табиат, тоза ҳаво ва яратилган шарт-шароитлар тўғрисида 5 гектардан иборат бу оромгоҳга келувчиларнинг сони йил сайин ортиб бормоқда. Бу ерда жами 50 нафарга яқин ишчи-ҳодим хизмат қилади. Ушбу маскан 45 кун мобайнида болажонларга хизмат кўрсатади. Биринчи 15 кунликда бу ерда жами 300 нафарга яқин ўғил-қиз ҳордиқ чиқармоқда. Шулардан 120 нафари Қорақалпоғистон Республикасидан, қолганлари турли ҳудудлардан келган.

Мана, улар улкан майдонда сафланмоқда. Ҳар бир гуруҳга биттадан етакчи бириктирилган. Ҳозир саҳна чиқишлари, рақслар, куй-қўшиқлар бошланади.

— Оромгоҳ болажонларга жуда маъқул келди, уларнинг хурсандчилигини қаранг, — дейди ушбу маскан директори Комилжон Маҳкамов. — Айниқса, қорақалпоқ болаларига бу жой жуда ёқди. Иложи борица улар ҳар бир кунни қувноқ ва завқли ўтказишга ҳаракат қиляпмиз. Оромгоҳда овқатланиш хоналари, спорт майдончалари, бассейн, ётоқхона, маданий-маърифий ҳамда кўнгилочар хоналар ташкил қилинган. Бундан ташқари, таълим-тарбия, малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишлари, озиқ-овқат маҳсулотлари сифати, санитария-гигиена талабларига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Болаларнинг саломатлиги доимий равишда мутахассислар томонидан назорат қилиб борилади...

Биз кун бўйи оромгоҳдаги тадбирлар, шарт-шароитлар билан танишди. Ҳаммаси эрта тонгдан ўзгача бошланади. Насриддин Афанди киёфасидаги киши эшагига минади, ҳаммани бир-бир уйғотиб чиқади. У болажонларни эрта туришга, бадантарбия машқларини қилишга ундайди.

Бу ерда футбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка, сузиш каби спорт тўғараклари мунтазам ишлайди.

Оромгоҳ ошхонаси бош ошпази Шокир Комилов болаларга овқат пишириш билан машғул. — Биз ҳар кун дастурхонга 4 маҳал таом билан бирга шарбатлар, мева-чевалар, турли ширинликлар тартамыз, — дейди у. — Ёз мавсумида танага куч-қувват берадиган, витаминларга бой овқатларни тайёрлашга ҳаракат қиляпмиз. Ўйлайманки, болажонлар бундан фақат хурсанд бўлишади.

Бизга оромгоҳ бошлиғи Дилобар

Мўминжоновна ҳамроҳ бўлди. У узоқ йиллардан буён шу ерда ишлайди. Болаларнинг феъл-атвори, дунёсини яхши тушунади. Ҳар кун улар учун бирор янги ва қизиқарли ўйин ёки танловларни ўйлаб топади.

— Болалар дунёсида яшаш жуда мароқли, — дейди у. — Улар билан сўзлашавериб-сўзлашавериб, ўзингиз ҳам боладек бўлиб қоласиз. Биз имкон борица ўз иш режамизни болажонларнинг хоҳиш-истакларидан келиб чиқиб тузамиз. Масалан, эртага қайси спектаклни сахналаштиришимизни уларнинг ўзлари ҳал қилади. Бирор мультфильм ёки кино кўйишимиз учун аввало сўров-

нома ўтказамиз. Қайси фильм кўп овоз олса, ўшаниси кўйилади.

Мен ҳар гал болаларга «Алло, мен талантларни излаяпман» деб мурожаат қиламан. Шундай йўл билан ким шеър ёзиши, қўшиқ айтишини ёки бошқа соҳага қизиқишларини билиб олишга ҳаракат қиламан. Ўтказётган тадбирларимиз болаларнинг истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Рақсга тушишга тайёргарлик кўраётган бир гуруҳ қорақалпоғистонлик болажонларга яқинлашдик. Уларнинг тарбиячиси Зоя Бекмуротовани суҳбатга тортидик.

— Биз мактабда болажонларга

юртимиз Ўзбекистоннинг тоза ҳавоси, мусаффо табиати, бетакрор манзаралари ҳақида кўп гапирамиз. Бугун ўша фикрларимиз ўз исботини топди. Болалар бу ерга келганларидан жуда хурсанд. Улар турли вилоятлардан келган тенгдошлари билан дўстлашишди, бир-бирига меҳр кўйишди. Ҳар кун ўқиган китоблари, кўрган-кечирганлари ҳақида суҳбатлашишди, бирга овқатланишди, тўғаракларга қатнашишди, ўйнашди.

Диёрбек Саъдуллаев, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан, 12 ёш:

— Бизни оромгоҳда яхши кутиб олишди. Менга бу ернинг тоза ҳавоси, муздек суви жуда ёқди. Ҳар кун биз кутмаган учрашувлар, тадбирлар бўлади. Турли вилоятлардан келган тенгдошларим билан дўстлашдим. Улар билан доим гаплашиб турсам дейман.

Моҳичеҳра Рашидова, Тошкент шаҳри, 12 ёш:

— Мен бу ерга келганимдан жуда хурсандман. Дўстлар орттирдим. Ҳар кун бирор китобни ўқисак, мазмунини бир-биримизга айтиб берамиз. Оромгоҳ тарбиячиларини ҳам жуда яхши кўриб қолдим.

...Қош қорая бошлади. Оромгоҳда эса ҳаёт қайнади. Улкан гулхан атрофида бир-бирлари билан қўл ушлашиб, ўйин-кулгуг қилаётган болалардан кўз узгимиз келмайди.

Қаранг, юртимиздаги биргина оромгоҳда қанча-қанча кўнгиллар тутаяпти, бир-бирига бўлган меҳр болаларни бирлаштиряпти, уларнинг кўксига қувонч, шодлик тўлиб-тошмоқда. Бу бахтли болалар — Ўзбекистоннинг болалари! Буларнинг бари учун шу Ватанини ҳаммадан қаттиқроқ авайлагинг, қизғонинг, севгинг келади.

Бобур ЭЛМУРОВОД,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

РЕКЛАМА

Хурматли тадбиркорлар!

Qishloq Qurilish Bank АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

«Commerzbank AG» (Германия), Landesbank Berlin (Германия),
Халқаро тараққиёт ассоциацияси (ХТА), Халқаро қишлоқ
хўжалиги тараққиёти жамғармаси
каби халқаро молия институтлари кредит линиялари ҳисобидан
инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳақида хабар қилади.

Молиялаштиришнинг асосий шартлари:

ЛОЙИХАЛАР	Замонавий ускуналар сотиб олиш ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш
ҚАРЗДОР	Юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари.
МОЛИЯЛАШТИРИШ МАКСАДИ	«Commerzbank AG» кредит линияси доирасида:
	● Европа, Япония, Жанубий Корея, Канада ҳамда АҚШ мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;
	● миқдор импорт шартномасининг камида 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади;
	Landesbank Berlin кредит линияси доирасида:
	● Германия давлатида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар сотиб олиш учун маблағлар ажратилади;
	● миқдор импорт шартномасининг камида 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ўз маблағи билан иштирок этиши лозим, қолган 85 фоизи кредит линияси ҳисобидан молиялаштирилади.
	ХТА кредит линияси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари)
	Анджон, Бухоро, Жиззах, Фарғона, Қашқадарё, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга қуйидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун берилади:
	● интенсив боғ;
	● сабзавотчилик ва узумчилик фаолияти учун илғор технологияларни жалб этиш;
	● қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларни замонавий техника воситалари билан таъминлаш;
	● қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ва узоқ муддатга сақлаш ускуналарини сотиб олиш;
	● энергия тежамкор иссиқхоналар ташкил этиш.
	Халқаро қишлоқ хўжалиги тараққиёти жамғармаси доирасида:
	«Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси доирасидаги кредитлар (ёки лизинг хизматлари) Сурхондарё вилоятида рўйхатдан ўтган ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда қайта ишлашга ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектларга берилади.

Маълумот учун телефонлар: (+998 71) 150-93-39, 150-76-41, 150-76-42, 150-76-39.

**АТБ «Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!**

Хизматлар лицензияланган.

AVTOSALON

«SARDOR AVTO INVEST»

ZAZ

LADA

CHEVROLET

UAZ

GAZ

Тўлов тури: НАҚД, ТЕРМИНАЛ, ПУЛ ЎТКАЗИШ, КРЕДИТ, ЛИЗИНГ

Манзил: Тошкент ш., Усмон Носир кўчаси, 113 уй. Мўлжал: Жанубий вокзал.
Тел.: (99871) 215-09-11; 250-23-93; (99891) 162-99-99; (99895) 177-01-17;
(99871) 140-41-21; (99895) 199-82-92; (99891) 191-19-49; (99890) 932-33-38
www.sardor-avto.uz МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihidin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz


MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.
Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvchisi chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 659
17819
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.00
Topshirilgan vaqti — 23.40

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5